Маҳмудов Иброҳимжон Азимжонович — Избоскан туманидаги «Пахтакор» фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

Машарипова Азизахон Исроиловна — Қувасой шаҳар коммунал фойдаланиш жамиятининг бригада бошлиғи, Фарғона вилояти

Мирзаев Мусурмон Умарович — Жиззах тумани автомобиль йўллари бошқармасининг автогрейдерчиси, Жиззах вилояти

Мирзаев Муҳиддин Нуриддинович — «Оҳангаронцемент» ҳиссадорлик жамиятининг цех бошлиғи, Тошкент вилояти

Мирзаева Улдон — Бандихон туманидаги Ойбек номли ширкат хўжалигининг пудратчиси, Сурхондарё вилояти

Мирзажонова Хайринисо Холматовна — Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси бош мутахассиси

Мўйдинхўжаев Хумитхон — Косонсой туманидаги «Чашмаи сафед» қишлоқ хўжалик корхонаси раҳбари, Наманган вилояти

Мусаев Қурбон Ҳасанович — Каттақўрғон туманидаги Э. Қурбонов номли ширкат хўжалигининг пудратчиси, Самарқанд вилояти

Мустанова Янглиш Худоёровна — Сайхунобод туманидаги Қ.Султонов номли ширкат хўжалигининг аъзоси, Сирдарё вилояти

Мустафоев Элбек Хайруллаевич — «Дойче кабель АГ Ташкент» қўшма корхонаси директорининг ўринбосари

Муҳамедов Абдушукур Абдуғафурович — Собир Раҳимов туманидаги «Орзу-Пластик» ўзбек-турк қўшма корхонасининг муҳандис-технологи, Тошкент шаҳри

Муҳаммадиев Махсуд — Тайлоқ туманидаги Улуғбек номли ширкат хўжалигининг бош ҳисобчиси, Самарқанд вилояти

Муҳиддинов Файзиддин Абдуваҳобович — Қибрай туманидаги «Маданият» ширкат хўжалигининг пудратчиси, Тошкент вилояти

Мухидов Абдивоҳид — Иштихон туманидаги «Ҳақиқат» ширкат хўжалигининг сувчиси, Самарқанд вилояти

Мўминов Сафар Аҳмедович — Шофиркон туманидаги Бобур номли ширкат хўжалигининг пудратчиси, Бухоро вилояти

Неъматов Шукрилла Содиқжонович — Данғара туманидаги «Содиқжон» фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

Неъматов Шерали — Улуғнор туманидаги «154-автокорхона» ҳиссадорлик жамиятининг ҳайдовчиси, Андижон вилояти

Нормуродова Мавлуда Бекмирзоевна — Хатирчи туманидаги Э.Абдиев номли ширкат хўжалигининг пудратчиси, Навоий вилояти

Носенко Николай Кузьмич — «Навоийазот» акциядорлик жамиятининг аппаратчиси, Навоий вилояти

Нуралиева Зулпина Ҳайдаровна — Шаҳрисабз туманидаги «Кумуш» ҳиссадорлик жамиятининг ипак ўровчиси, Қашқадарё вилояти

Нурматова Фотима Куроновна — Пахтакор тумани ҳокимининг ўринбосари – туман хотин-қизлар қўмитаси раиси, Жиззах вилояти

Олимжонов Ғафуржон — Боёвут туманидаги «Нодир» хусусий фирмасининг ишчиси, Сирдарё вилояти

Омонова Мағфират Абдураззоқовна — Учқўприк тумани ҳокимининг ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси, Фарғона вилояти

Отажонов Эгамберган — Қўшкўпир телекоммуникация боғламаси электро-монтёри, Хоразм вилояти

Очилов Рустам Тоҳирович — «Бухоройқурилиш» ҳиссадорлик жамиятининг ғишт терувчилар бригадаси бошлиғи, Бухоро вилояти

Полвонов Тўлқин Юсупович — Яккасарой туманидаги «Саноатқурилишиндустрия» акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари, Тошкент шаҳри

Пирназаров Шодиёр Турдиевич — Чироқчи туманидаги «Кўкдала машина-трактор парки» акциядорлик жамиятининг комбайнчиси, Қашқадарё вилояти

Пирнафасова Хатича Умуровна — Олот туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигининг пудратчиси, Бухоро вилояти

Пўлатова Гулбаҳор Бурбаевна — Янгийўл шаҳридаги «Лаззат» қандолат ишлаб чиқариш акциядорлик жамиятининг прессловчиси, Тошкент вилояти

Пўлатова Мўмина Раҳматовна — Карвон туманидаги «Дилором» хусусий фирмасининг тикувчиси, Навоий вилояти

Равшанов Неъмат — «Бойсун машина-трактор парки» акциядорлик жамиятининг комбайн оператори, Сурхондарё вилояти

Ражабова Гулнора Янгибоевна — «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармасининг Хоразм вилояти бўлими раҳбари

Ражабов Юсуф Туробович — Нарпай тумани автомобиль йўллари бошқармасининг ишчиси, Самарқанд вилояти

Раимов Иброҳим — Фарғона туманидаги «Ёшларобод» ҳиссадорлик жамиятининг бригада бошлиғи, Фарғона вилояти

Расулов Рустамжон Акромбоевич — Уйчи туманидаги «Уйчи» ширкат хўжалиги раиси, Наманган вилояти

Расулов Собит Собирович — Шаҳар йўл қурилиш ва таъмирлаш трести 2-бошқармасининг бригада бошлиғи, Тошкент шаҳри

Раҳимов Ғайбулла Асадович — Миробод туманидаги «REM-ELTRANS» акциядорлик жамиятининг чилангари, Тошкент шаҳри

Раҳимов Назар Худоёрович — Ғузор туманидаги «Пачкамар» ширкат хўжалигининг бош чўпони, Қашқадарё вилояти

Раҳимов Алимжон Муҳамеджонович — «Ўзкоммунхизмат» агентлиги Коммунал хизмат кўрсатишни ислоҳ қилиш ҳамда ислоҳотларнинг амалга оширилиши мониторинги бошқармасининг бош мутахассиси

Раҳимова Ўғилхон — Избоскан тумани аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхонасининг тикувчилик цехи бошлиғи, Андижон вилояти

Раҳимова Хожар Назаровна — Темирйўл тумани ҳокимининг ўринбосари – туман хотин-қизлар қўмитаси раиси, Самарқанд вилояти

Раҳмонов Ораздурди Тиркешович — Тахиатош шаҳридаги «Қушчилик» акциядорлик жамиятининг чилангари, Қорақалпоғистон Республикаси

Раҳмонов Маркс — Урганч туманидаги «Баҳром» фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

Раҳматиллаева Пати Ҳамидуллаевна — «Чирчиққишмаш» ҳиссадорлик жамиятининг пармаловчиси, Тошкент вилояти

Раҳматов Абдуғаффор Карроматович — Когон тумани телекоммуникация боғламасининг пайвандловчиси, Бухоро вилояти

Раҳматуллаев Нугмат Асадович — Сирдарё туманидаги Амир Темур номли фермер хўжалиги ишчиси, Сирдарё вилояти

Раҳмонов Равшан Қуддусович — «Ўзстандарт» агентлигининг метрология хизмати марказининг бўлим бошлиғи

Рўзиев Оскар Турсунович — «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамиятининг шлифовкачиси

Рўзибоев Эргаш — «Маҳалла» хайрия жамғармаси Бекобод тумани бўлими раиси, Тошкент вилояти

Саъдиев Шуҳрат Иноятович — «Асака» банки Тошкент вилоят филиалининг бошқарувчиси

Саидқулов Азиз — Арнасой туманидаги «Нарвон» фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

Саидхонов Йўлдош Шамсиевич — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаментининг гуруҳи бош мутахассиси

Сайфиев Йўлдош Исамович — «Кокнатос» геология-қидирув экспедициясининг 3-экспедицияси бошлиғи, Самарқанд вилояти

Сатторов Абдумутал Қодирович — «Намангансувқурилиш» акциядорлик жамиятининг бульдозерчиси, Наманган вилояти

Сейлханов Отебай Бердиевич — Хўжайли туманидаги «Бегжап» ширкат хўжалигининг пудратчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Сиддиқов Зокир Тўлқинович — Бектемир туманидаги «Асрий» жамияти раиси, Тошкент шаҳри

Сон Тимофей Сергеевич — Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ғўза селекцияси, уруғчилиги ва уни нав бўйича жойлаштириш бошқармасининг бош мутахассиси

Сулаймонов Худоёр Худойбердиевич — «Меҳнатобод машина-трактор парки» акциядорлик жамиятининг «Магнум» трактори оператори, Сирдарё вилояти

Суюнов Эшбой Курбонович — Музработ тумани электр тармоқлари корхонасининг электромонтёри, Сурхондарё вилояти

Тошпўлатова Доно Тўхтапўлатовна — Давлат статистика қўмитаси Демография ва меҳнат бозори статистикаси бошқармаси бошлиғи

Темиров Йўлчибой Абдусаломович — «Кўқон механика заводи» акциядорлик жамиятининг токари, Фарғона вилояти

Тен Афанасий — «Ўртачирчиқ гидроэлектр станциялар каскади» шўъба корхонасининг цех бошлиғи ўринбосари, Тошкент вилояти

Толегенов Кеулимжай — Қораўзак туманидаги «Полат» фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Тошбоев Абдулбоқи Мамажонович — Тўрақўрғон туманидаги 148-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колоннанинг дурадгори, Наманган вилояти

Тошев Шомурод — Вобкент туманидаги И.Наимов номли ширкат хўжалигининг пудратчиси, Бухоро вилояти

Тошпўлатов Абдумутал Икромович — Янгиқўрғон туманидаги Ж.Охунов номли ширкат хўжалигининг пудратчиси, Наманган вилояти

Турсунов Исматулло Қобилович — Пешку туманидаги Ибн Сино номли ширкат хўжалиги пудратчиси, Бухоро вилояти

Турсунова Умида Шоиноятовна — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Умумий бўлими машинкада ёзув бюроси мудири

Турғунбоева Муножот Собировна — Қува қандолат ишлаб чиқариш комбинатининг ишчиси, Фарғона вилояти

Тўхтаниёзов Мухтор — Тошкент туманидаги «Тўхтаниёзота» фермер хўжалиги бошлиғи, Тошкент вилояти

Тўрақулов Носирхон — Сариосиё туманидаги «Боғу-Бўстон» фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Узоқова Ферузахон Машрабовна — Олтинкўл туманидаги «Тошкент» ширкат хўжалигининг сут соғувчиси, Андижон вилояти

Умаралиев Курбон Маҳамадалиевич — Ҳамза туманидаги «Тошқишлоқмаш» акциядорлик жамиятининг 2-цехи созловчиси, Тошкент шаҳри

Умаров Карим Мансурович — Республика Марказий банкининг Тўлов тизими ва ахборотлаштириш департаменти директори

Умарова Муножот Ёқубовна — Марғилон шаҳридаги А.Навоий номидаги тўқимачилик ҳиссадорлик жамиятининг тўқувчиси, Фарғона вилояти

Усмонов Аҳмад Одилович — Андижон шаҳридаги «Тозалик» хусусий фирмасининг оператори, Андижон вилояти

Ҳайдарова Саъдия Хандамовна — Жомбой туманидаги «Гулистон» ширкат хўжалиги пудратчиси, Самарқанд вилояти

Ҳайтметов Гулмат — Гурлан туманидаги «Хайтиммат ота» фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

Ҳамзаев Жалолиддин — Хўжаобод туманидаги А.Набиев номли ширкат хўжалигининг бош агрономи, Андижон вилояти

Ҳасанбоева Муқаддам Ҳабибуллаевна — Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Пенсия таъминотини ташкил этиш бошқармасининг бош мутахассиси

Хидиров Маҳкам Ҳакимович — «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти 1-йигирув-тўқув фабрикасининг уста ёрдамчиси, Бухоро вилояти

Хожаматов Ибодулла — Амударё туманидаги «Азимбой хўжа» фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Ҳожиакбаров Тоҳиржон — Шаҳрихон туманидаги «Бўстон» ширкат хўжалигининг пудратчиси, Андижон вилояти

Холматов Мўйдин — Тошлоқ туманидаги «Оқ олтин» ширкат хўжалигининг пудратчиси, Фарғона вилояти

Ҳошимов Мирза Азимович — «Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти саноат темир йўл транспорти бошқармасининг чилангар-таъмирловчиси, Тошкент вилояти

Худойберганова Гулойим — Қўнғирот тумани телекоммуникация тармоғининг бош оператори, Қорақалпоғистон Республикаси

Худойберганов Муҳаммад — Янгиариқ туманидаги «Оқ мачит» ширкат хўжалиги раиси, Хоразм вилояти

Худойбердиев Ҳаким Неъматович — Навоий туманидаги Қ.Раҳимов номли ширкат хўжалигининг пудратчиси, Навоий вилояти

Худойбердиева Зулфия Худойназаровна — Иштихон туманидаги «Зебо» хусусий корхонасининг тикувчи устаси, Самарқанд вилояти

Хусанов Умбар Пардаевич — Қумқўрғон туманидаги «Сурхон» комбинатининг қолипловчиси, Сурхондарё вилояти

Хушбоқов Сафар — Шўрчи туманидаги У. Дониёров номли ширкат хўжалигининг пудратчиси, Сурхондарё вилояти

Хўжанов Муродилла Нормуродович — Қарши туманидаги Ю.Хушвақтов номли ширкат хўжалигининг пудратчиси, Қашқадарё вилояти

Шораҳбаров Равшан Қобилович — «Ўзсаноатқурилишбанк» бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари

Шарипова Сабия Ҳусановна — Китоб туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалигининг пудратчиси, Қашқадарё вилояти

Шарипова Хайринисо — Самарқанд шаҳридаги «8 март» акциядорлик жамиятининг тикувчиси, Самарқанд вилояти

Шомуротов Бўрон — Нурота туманидаги «Ғозғонмармар» ҳиссадорлик жамиятининг пармаловчиси, Навоий вилояти

Шукуров Закрилло Бобохонович — «Бекободйўлсаноат» ишлаб чиқариш корхонасининг газэлектрпайвандчиси, Тошкент вилояти

Элмуродов Баҳодир Турғунбоевич — Ш.Рашидов туманидаги «Машина-трактор парки» акциядорлик жамиятининг оператори, Сирдарё вилояти

Эргашев Жакбарали Ҳайдарович — Янгиқўрғон туманидаги «Заркент» ширкат хўжалигининг пудратчиси, Наманган вилояти

Эшмаматов Хурсанд — Жарқўрғон туманидаги Н.Боймуродов номли ширкат хўжалигининг механизатори, Сурхондарё вилояти

Эшонқулов Бахтиёр Умарқулович — Жиззах шаҳридаги «Бахтиёр-Шаҳбоз» ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари, Жиззах вилояти

Эшпўлатов Абдураҳмон — Давлат техника назорати инспекциясининг Жиззах вилояти бўлими бошлиғи

Йўлдошев Жўрабек Ашуралиевич — Оҳангарон туманидаги «Оҳангарон» ширкат хўжалигининг пудратчиси, Тошкент вилояти

Юрьева Анна Леоновна — Мирзо Улуғбек туманидаги «Арзанда» жамияти бош директори, Тошкент шаҳри

Юсупов Худойқул — Яккабоғ туманидаги А.Темур номли ширкат хўжалигининг бош агрономи, Қашқадарё вилояти

Юсупов Ёқуб — «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бош мутахассиси

Ёқубов Соҳибжон — Асака тумани ҳокимининг ўринбосари – иқтисодиёт бўлими бошлиғи, Андижон вилояти

Якупов Аъза — Элликқалъа туманидаги «Ал-Хоразмий-83» фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Қобулова Ферузахон Ҳомидовна — Баликчи туманидаги Навоий номли ширкат хўжалигининг пудратчиси, Андижон вилояти

Қаюмов Рашид Майлиевич — «Қамаши-98» ҳиссадорлик жамиятининг ҳайдовчиси, Қашқадарё вилояти

Қиличбоев Қуанишбой Қодирбоевич — Қонликўл туманидаги «Бешкўприк» ширкат хўжалигининг пудратчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Қорабоев Камолиддин Турсунович — «Вилоят уй-жой қурилиш» ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Қуйма уй-жой қурилиш» корхонасининг бригада бошлиғи, Андижон вилояти

Қосимов Қобилжон — Янгиобод туманидаги «Ховос» ширкатлар уюшмасининг бош чўпони, Жиззах вилояти

Қурбонов Хайрулло Исматуллоевич — Ургут туманидаги «Машина-трактор парки» акциядорлик жамиятининг «Кейс» комбайни оператори, Самарқанд вилояти

Қўйчиев Мирза — Китоб туманидаги «Қатортбоғ» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Қашқадарё вилояти

Ғанибоева Гулчеҳра Нурматовна — Паркент туманидаги «Гулбоғ» ширкат хўжалигининг сут соғувчиси, Тошкент вилояти

Ғафуров Маҳмуджон Ғафурович — Жиззах шаҳридаги «4-хўжалик ҳисобидаги автотранспорт корхонаси» акциядорлик жамияти раҳбари, Жиззах вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 26 август.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ИККИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ ҚЎМИТА, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ҳуқуқ фанларини ривожлантириш, ўзларининг билим ва ҳаётий тажрибаси асосида ёшларни ҳарбий ватанпарварлик ва жасурлик руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси ҳамда кўп йиллик фидокорона хизматлари учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЮРИСТ»

Якубов Александр Санджарович — Ички ишлар вазирлиги Академияси бошлиғининг биринчи ўринбосари

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

Кистаубаев Сервер Эсеркепович — Тошкент вилояти Янгийўл тумани ички ишлар бўлими ёнғин хавфсизлиги бўлинмасининг экипаж командири

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ»

Дадажонов Шуҳрат Аҳмадуллаевич — Мудофаа вазирлиги Марказий ашула ва рақс ансамблининг бошлиғи

Давлатимизнинг иқтисодий ва мудофаа салоҳиятини юксалтириш, миллий хавфсизлигини муҳофаза этиш, Қуролли Кучларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни ҳамда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашдаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Дадабаев Юнус — Наманган вилояти хўжалик судининг судьяси

Исмоилов Собиржон Абдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси

Лухманов Аман — Сурхондарё вилояти прокурорининг ёрдамчиси

Мухитдинова Фарруха Фахриддиновна — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси

Палванов Самандар — Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари

Полвон-зода Абдусамат Абдухамидович — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири

I ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН

Иноятов Рустам Расулевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раиси

II ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН

Адилов Мирсамад — Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи

Бердимуратов Усман Юлдашевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Жабборов Музравжон — Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи

Исаев Марат Дамирович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Рахманов Рустам Каримович — Мудофаа вазирлиги батальон командири

Салиев Зокир Тулкун-Адилович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Шамурадов Алишер Хамидуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Қодиров Рашитжон Хамидович — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори

Ғуломов Қодир Ғофурович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Бобожонов Пўлат Раззоқович — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари

Девятов Анвар Қаюмович — Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси ахборот марказининг бошлиғи

Жиемуратов Қаллибек Умирбекович — Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг бошлиғи

Искандаров Анварбек — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳукумат алоқаси хизмати бошлиғи

Макаров Павел Леонтьевич — Мудофаа вазирлиги ҳарбий оркестрлар хизмати бошлиғи – бош ҳарбий дирижёр

Маслова Надежда Григорьевна — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бўлимининг катта прокурори

Реимов Бахит Базарбаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Солиев Нусратулла Лутпуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари

Цой Лариса Константиновна — Наманган вилояти адвокатлар ҳайъатининг адвокати

Республикамизнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашда, ҳарбий ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида кўрсатган жасурлиги ва мардлиги учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Алимов Вохиджон Мусажонович — Мудофаа вазирлиги бригадасининг қўриқлаш взводи катта ўқчиси

Анарбоев Бобомурод Абдувалиевич — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости ўқчиси

Ашурматов Мухамади Рахмонбердиевич — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости старшинаси

Байрамов Муртазо Мустафаевич — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара райони бошлиғи

Бахриев Хуршид Ражаббоевич — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости секцияси командири

Болтаев Тилов Джураевич — Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг катта тезкор вакили

Гаиров Баходир Файзуллаевич — Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармасининг бўлинма командири

Галимов Равшан Савдоханович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Гафуров Артур Владимирович — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг штурмани

Гофуров Зиёхидин Нематжонович — Фарғона вилояти Боғдод тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари

Дженгазиев Юсуп Османович — Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Джуракулов Мустафокул Абдуқахарович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Донишев Қаҳрамон Пирмахматович — Мудофаа вазирлиги ўқув базасининг ўқув гуруҳи командири

Джумаев Нодиржон Махмудович — Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг бўлим бошлиғи

Жамолов Исоқ Зайниевич — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаментининг бошқарма бошлиғи

Зарипов Рафаил Габделхайевич — Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармасининг отряд командири

Ибрагимов Абдужалал Абдукамалович — Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг йўл-патрул хизмати инспектори

Иброхимов Абдужаббор Халилович — Наманган вилояти Косонсой тумани ички ишлар бўлимининг профилактика бўйича инспектори

Иргашев Азамат Каримович — Бухоро вилояти божхона бошқармасининг бўлинма бошлиғи

Исмаилов Шуҳрат — Тошкент вилояти божхона бошқармаси постининг кичик инспектор-кинологи

Исраилов Арслон Бегматович — Жиззах вилояти божхона бошқармаси постининг катта инспектори

Мамадалиев Улуғбек Пулатбекович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Маманов Алишер Маматович — Жиззах вилояти ички ишлар бошқармасининг катта тезкор вакили

Маматқулов Насриддин Бурхонович — Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси патрул-пост хизмати милиционери

Матчанов Озод — Хоразм вилояти Урганч шаҳар ички ишлар бўлими ёнғин хавфсизлиги бўлинмасининг командири

Мирзаев Мирағзам Ахатович — Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи

Морозов Александр Ахмедович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Муинов Алишер Мусинович — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми командирининг ўринбосари

Муратов Фахритдин Кадирович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Мухаммеджанов Магрибджан Махмудович — Мудофаа вазирлиги бригадаси командири

Сабиров Джахонгир Рўзиевич — Мудофаа вазирлиги ҳарбий госпитали бўлинмаси бошлиғи

Сайдалиев Исомиддин Мухитдинович — Бухоро вилояти ички ишлар бошқармасининг бўлим бошлиғи

Саламов Ботиржон Абдураззакович — Наманган вилояти Косонсой тумани ички ишлар бўлимининг профилактика бўйича катта инспектори

Саримсаков Махмуджон Тухтасинович — Чирчиқ олий танкчилар қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг катта ўқитувчиси

Тухтаев Шоймардон Шониёзович — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости кузатувчиси

Урдабаев Саит Сайдувалиевич — Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Хакимов Шомурод Холбозарович — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости секция командири

Хусаинов Темур Собирович — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости ўқчиси

Хусанов Баходир Ганиевич — Мудофаа вазирлиги батальони оператори

Шакирджанов Игорь Урманович — Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари

Шарипов Сайфулло Убайович — Навоий вилояти ички ишлар бошқармаси патрул-пост хизмати милиционери

Шукуров Абубекир Гайбуллаевич — Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси патрул-пост хизмати бригадасининг милиционер ҳайдовчиси

Эрматов Қаҳрамон Уктамович — Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлар Бош бошқармасининг взвод командири

Эшчонов Отохон — Хоразм вилояти божхона бошқармаси постининг бошлиғи

Юлдашев Шавкат Валиевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Республикамизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қўшган салмоқли ҳиссаси ҳамда Ватанимизнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва мудофаа кудратини юксалтиришдаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдуллаева Шаходат Чулиевна — Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳар ҳуқуқий маслаҳатхонасининг мудираси

Абсарова Лариса Хусанбековна — Фарғона вилояти прокуратураси умумий назорат бўлимининг катта прокурори

Аллаяров Чарияр — Сурхондарё вилояти адлия бошқармасининг бошлиғи

Базаров Узак — Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяси

Бекмуродов Курбон Дилмуродович — Бухоро вилояти божхона бошқармаси «Олот» божхона назоратини ўтказиш комплексининг бош инспектори

Бобоев Норбой Мехлиевич — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг бўлим бошлиғи

Бойханов Зокиржон Бахритдинович — Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Наманган вилояти кенгаши раиси

Давлетов Ражаб — Хоразм вилояти Янгиариқ тумани Давлат солиқ инспекциясининг бўлим бошлиғи

Даниелян Эдуард Арамович — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси умумий назорат бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Есиркепов Кумекбай — Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ тумани прокуратурасининг терговчиси

Жамолдинов Мўйдинжон Мустафакулович — Фарғона вилояти Фурқат тумани суд ижрочилари бўлинмасининг катта суд ижрочиси

Жўраев Фарҳод Жалилович — Жиззах вилояти Арнасой тумани Давлат солиқ инспекциясининг бўлим бошлиғи

Исламов Зайнитдин Мухитдинович — Тошкент Давлат юридик институти «Давлат ва ҳуқуқ назарияси» кафедрасининг мудири

Кильберг Раиса Геннадиевна — Наманган вилояти Давлат солиқ бошқармасининг бўлим бошлиғи

Куваева Гульсара Темировна — Самарқанд вилояти хўжалик судининг судьяси

Мамадияров Бутаяр — Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилоят судининг судьяси

Маматова Саламат — Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти Урганч туман судининг раиси

Махмудова Бақпашша — Фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят суди раисининг ўринбосари

Ниязметов Мирзорахмат Имометович — Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг бошқарма бошлиғи

Сағираев Абдумажит Халиқович — Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармаси эксперт-криминалистика бўлимининг катта эксперти

Серикбаев Халдарбек Дуйсебаевич — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг ўринбосари

Тарасюк Александр Энилович — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг ўринбосари

Таджибаев Абдурахман Абдурахимович — Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Тангриев Абдулло Товашевич — Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги олий техника мактабининг ўқитувчиси

Тожиев Маҳмуджон Ахматкулович — Фарғона вилояти адлия бошқармасининг бўлим бошлиғи

Турсунов Комилхон (марҳум) — Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармасининг ўқув маркази бошлиғи

Хурбоев Билолиддин Эргашбоевич — Андижон вилояти божхона бошқармасининг «Маданият» божхона пости бошлиғи

Шарипов Бахтиёр Шокирович — Хоразм вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг бўлим бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 26 август.

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЎН ИККИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Парламент сессияси биринчи кунининг кечки мажлиси Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоиловнинг янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси бўйича маърузасидан бошланди. Урганч давлат университети ректори А.Саъдуллаев, Тошкент молия институти ректори М.Шарифхўжаев, «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акционерлик жамияти бошқаруви раиси — бош директори В.Кучеров, Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раисининг ўринбосари И.Ғофуров, Сариосиё тумани ҳокими П.Мадиев, «Қизилқумнодирметаллолтин» давлат концерни раиси Н.Кучерский иштирок этган муҳокамадан сўнг, парламент мазкур қонун ва уни жорий этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Сессияда Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М.Сафаева «Фидокорона хизматлари учун» орденини таъсис этиш тўғрисида маъруза қилди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш давлат агентлиги раиси А.Орипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломованинг чиқишидан сўнг, депутатлар «Фидокорона хизматлари учун» орденини таъсис этиш тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди.

Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раисининг ўринбосари Й.Жўраев «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси бўйича маъруза қилди. Ушбу ҳужжат муҳокамасида Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Т.Қўзиев, Ромитан тумани ҳокими А.Нозимов, Қамаши тумани марказий шифохонасининг бош шифокори А.Ғафуров, «Ўзбекинвест» миллий компаниясининг Фарғона вилояти шўъба корхонаси директори А.Мўминов, Оқдарё туманидаги Мирзо Улуғбек номидаги 2-мактаб директори Ж.Исроилов иштирок этди. Депутатлар ушбу қонунни ва уни жорий қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Олий Мажлиснинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раиси М.Умаралиев «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси юзасидан маъруза қилди. Бу лойиҳа бўйича «Совпластитал» Ўзбекистон-Италия қўшма корхонаси бош директори А.Мелкумов, Томди тумани ҳокими А.Назаров, Шаҳрихон шаҳридаги «Ривож» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари К.Отахонов, «Ўзкимёсаноатлойиҳа» лойиҳа-технология институти бош директори Ҳ.Назаров, «Лола-Узор» кўп тармоқли хусусий фирмаси директори Х.Мирзаахмедов, «Бухоротурист» акционерлик жамияти раиси М.Зокиров сўзга чиқди. Депутатлар «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини биринчи ўқишда тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси 30 август куни ўз ишини давом эттирди.

❖❖❖

Суратларда: сессия ишидан лавҳалар.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

ЁДГОРЛИКЛАР ҚАЙТА ЖИЛОЛАНДИ

Қизилтепа туманининг «Вангози» қишлоғидаги «Тошмачит» ҳамда Хатирчи туманидаги «Боғчакалон» қишлоғи ҳудудида жойлашган «Оқмачит» тарихий ёдгорликларини қайта таъмирлаш якунланай деб қолди. Бу ишларни «Навоий меъмор» ҳиссадорлик жамияти ва 51-кўчма механизациялашган қурилиш ташкилоти амалга оширмоқда.

«Оқмачит» тарихий ёдгорлигини таъмирлашга 250 миллион сўм ажратилган. Мачит гумбазини қайта қуриш, устунларини қайта териш, полига оби-ғишт ётқизиш, мажмуа мавзолейини қуриш, деворларни ганж сувоқ қилиш тўлиқ адо этилди.

— Ўтмиш аждодларимиз меҳнати, билими ва маданиятидан дарак берувчи бу тарихий ёдгорликларни асл ҳолига келтириш ишларида билимдон усталар иштирок этишди, — дейди вилоят ҳокимлигининг қурилиш комплекси раҳбари Фахриддин Хирочев. — Улар меҳнати ила қадимий ёдгорликларга қайта жозиба бахш этилмоқда.

Яна бир эътиборли жиҳат шуки, мачитларда кутубхона, қироатхона, маънавият ва маърифат хоналари ҳам ташкил этилмоқда. Бу эса уларнинг маънавий салмоғини янада оширади.

Ўткир ПЎЛАТ

МАОРИФЧИЛАР КЕНГАШИ

Мамлакатимизда мактаб, маориф ишлари давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, «Таълим тўғрисида»ги қонун ижроси бугунга келиб сифат босқичига кўтарилди. Айни кунларда таълим ходимлари ўзларининг анъанавий август кенгашларини ўтказмоқдалар.

Пойтахтимиз Юнусобод тумани халқ таълими бўлимида 42 та мактаб мавжуд бўлиб, 2607 нафар педагог-ўқитувчи фаолият кўрсатмоқда. Улар олиб бораётган ишлар юқори баҳоланиб, Тошкент шаҳри миқёсида барча кўрсаткичлар бўйича олдинги ўринларни эгаллаб келмоқда. Нафақат таълим, балки спорт соҳасида ҳам юқори кўрсаткичлар қайд этилган. Масалан, туман ўқувчилари Хоразмда бўлиб ўтган «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларида 18 та олтин, 3 та кумуш, 3 та бронза медалини қўлга киритган. Бу йилги республика олимпиадасида туман ўқувчилари француз тили ва информатика фани бўйича иккинчи ўринни эгаллашди. Бундан ташқари, республика «Яшил чироқ» кўрик-танловида ҳам ҳудуддаги 96-мактаб 1-ўринни олди.

Яқинда пойтахтимиздаги муҳташам Ўзбек Миллий академик драма театрида Юнусобод туман халқ таълими ходимларининг анъанавий август кенгаши бўлиб ўтди. Унда туман халқ таълими тасарруфидаги таълим муассасалари ҳақида тайёрланган ҳужжатли фильм ва фотосуратлар кўргазмаси намойиш этилди. Йиғилганлар амалга оширилган ишлар, уларнинг ютуқ ва камчиликлари борасида фикр-мулоҳаза юритдилар. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мавжуд 42 та мактабнинг барчаси тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, янги ўқув йилига тайёр қилинган.

Анжуман сўнггида биринчи бўлиб таъмирлаш ишларини тугатган 87-мактаб туман ҳокимининг совғаси — телевизор билан тақдирланди. Туман Халқ таълими бўлими томонидан 274-мактабга PENTIUM-III компьютери ҳамда ўттизга яқин фахрий ўқитувчига фан ва маориф ходимлари касаба уюшмаси томонидан эсдалик совғалари топширилди.

❖❖❖

Суратларда:
анжумандан лавҳалар.

Шербек ИБРОҲИМОВ олган суратлар.







ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ, ПАРКЕНТ ТУМАНИ

«ЗАРКЕНТ»

ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИ ЖАМОАСИ

халқимизни энг улуғ байрам билан табриклайди.

ҚУТЛУҒ АЙЁМ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗЛАР!

Истиқбол биносин этамиз бунёд,
Ҳар ёғинг бўлмоқда беқиёс обод.
Ҳуррият байроғин кўтарамиз шод,
Шоирга илҳому, Ватанга қанот –
О, менинг дилрабо, она Заркентим!

Бугунги шодлик кунида тоғлар бағридаги баҳаво жаннат-макон гўша аҳли юрт равнақи ва келажаги учун амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида камарбаста ва ҳам-нафас эканидан мамнун.
Миришкор деҳқонларимиз эл дастурхонини янада тўкин қилиш йўлида ўз хизматини аямайди.

Халқимизнинг мустақилликни мустаҳкамлаш, озод ва обод ватанни яшнатиш йўлидаги саъй-ҳаракатларига улкан зафарлар тилаймиз!

Мучал тўйинг муборак, Ўзбекистоним!

«Тошкент халқаро аэропорти» давлат унитар корхонаси жамоаси

Ватандошларимизни энг азиз, энг кутлуғ айём — Истиқлолнинг 12 йиллиги байрами билан муборакбод этади. Ушбу шукуҳли кунларда ҳар бир оилага тинчлик, тотувлик ва фаровонлик тилайди.

O'ZBEKISTON XAVO YOLLARI
TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда жуда кўп соҳалар ислоҳ этилиши билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам ҳар томонлама такомиллашмоқда. Бу тармоқ ҳақида сўз борар экан, аэропортларни алоҳида таъкидламоқ жоиз.
Зеро, йўловчиларга ерда сифатли сервис хизматини кўрсатиш муҳим роль ўйнайди.

Мамлакатимизнинг марказий ҳаво дарвозаси бўлмиш «Тошкент» аэропорти тамомила ўзгача қиёфа касб этди. Ундаги халқаро қатновлар амалга ошириладиган аэровокзал тубдан янгиланди. Йўловчиларга хизмат кўрсатишнинг савияси билан суръати ҳам ошди. Бир сўз билан айтганда, «Тошкент» марказий ҳаво терминали халқаро андозалар даражасига олиб чиқилди.



Жамоамиз Ўзбекистонга келувчи хорижлик меҳмонлар юртимиз билан танишувни аэропортдан бошлашини доим эътиборда тутган ҳолда хизмат кўрсатиш даражасини ошириб бормоқда.
Юртдошларимизни қутлуғ байрам билан табриклар эканмиз, ҳар бир хонадонга осойишталик, қут-барака ва тўкин-сочинлик тилаймиз.

Юртимиз осмони доимо мусаффо бўлсин!

Парвоз ердан бошланади

«СИРҒАЛИ» ТЕННИС МАРКАЗИ

Спорт

Улуғ айём арафасида пойтахтнинг Сирғали туманида «Сирғали» теннис маркази фойдаланишга топширилди. Унинг қурилишига 95 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Шу ўринда қурилишга ҳомийлар ҳам баҳоли қудрат кўмак беришганлигини айтиб ўтиш керак.

Ушбу спорт иншоотида барча қулайликлар яратилган. Унда учта теннис корти, сув ҳавзаси, машқлар зали, бадминтон майдончаси, массаж хоналари мавжуд.

Энди бу ерда кексаю ёш спорт билан шуғулланиб, ўз саломатликларини мустаҳкамлайди. Айниқса, болаларнинг қувончи чексиз. Дарвоқе, теннис маркази қуришдан кўзланган мақсад ҳам аслида туманда болалар спортини ривожлантириш.

Яна бир гап. Ҳадемай, бу ерда мураббийлар бошчилигида теннис, шейпинг, бадиий гимнастика, оғир атлетика, бадминтон ва сузиш тўгараклари иш бошлайди.

Ҳа, спорт иншоотлари яна биттага кўпайди. Бу халқ саломатлиги, фарзандлар камолоти йўлида қилинган ва қилинаётган хайрли ишлардан бири.

Суратларда: «Сирғали» теннис марказидан лавҳалар.
Шавкат АКРАМОВ олган суратлар





Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

ШАҲАР ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Мустақиллигимизнинг мучал тўйига навоийликлар ўзига хос совға ҳозирлашди. Навоий шаҳрининг 17-кичик туманида замонавий уч қаватли шиша айвонли бино қуриб фойдаланишга топширилди. Барча қулайликларга эга бўлган бу янги иншоотга вилоят молия ҳамда назорат-тафтиш бошқармалари ишчи-ходимлари кўчиб ўтишди. Бино қурилишида «Наврўз» ҳиссадорлик жамияти қурувчилари жонбозлик кўрсатишди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

СОЛИҚЧИ ҲАҚИДА ВИДЕОФИЛЬМ

Хабарингиз бор, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Ўзбекистон телерадиокомпанияси ҳамкорлигида яратилган 10 қисмли «Бурч» видеофильми намойиш этилган эди. Унда мамлакатимизда солиқ тизимининг шаклланиши, одамлар онгидаги ўзгаришлар, бозор иқтисодиёти даври талаблари бадиий лавҳаларда ифодалаб берилган эди.

Яқинда «Ўзбектелефильм» студияси икки қисмдан иборат янги «Солиқчи» видеофильмини яратди.

Фильм Мирзапўлат Тошпўлатов, Шойим Бўтаевлар сингари ёзувчилар қаламига мансуб бўлиб, республикамиз солиқ тизимидаги ўзгаришлар, тизимнинг кундалик ҳаётида учраб турадиган ижобий ва салбий ҳолатлар ҳамда бошқа воқеалар ҳикоя қилинади.

Фильм қаҳрамони — инспекция бошлиғи ролини киноактёр Фахриддин Шамсибоев ижро этган. Шунингдек, фильмда Теша Мўминов, Гулчеҳра Жамилова, Хожиакбар Нурматов, Лутфулла Саъдуллаев, Фазлиддин Фаёзов, Равшан Солиҳов, Диас Раҳматов каби таниқли санъаткорлар билан ёнмаён Лола Элтоева, Нигора Каримбоева, Сайфиддин Мелиев сингари ёш актёрлар ҳам иштирок этган.

Маъмуржон ҚИЁМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

КЕЛИША ОЛМАДИЛАР

Ҳиндистон ва Покистон ҳукуматлари ҳаво йўллари орқали ўзаро алоқаларни тиклаш масаласида келиша олмадилар, дея хабар берилади BBC News сайтидаги ахборотда.

Гап шундаки, Ҳиндистон ва Покистон давлатлариаро ҳаво қатновларини йўлга қўйиш масаласида Покистоннинг Равалпинди шаҳрида икки кун давом этган музокаралар душанба куни Мумбай (аввалги Бомбей. Ҳиндистон) шаҳрида содир этилган портлаш сабабли тўхтатиб қўйилди (Портлаш оқибатида 50 га яқин киши бевақт ҳаётдан кўз юмган).

Эндиликда Ҳиндистон ҳукумати ушбу портлашда гумон қилинаётган 19 кишини Ҳиндистон ихтиёрига беришларини Покистондан талаб қилмоқда. Покистон эса террорчиларни яширганлик фактини инкор этмоқда.

Ачинарлиси шуки, давлатлараро самолётлар қатнови борасида ўзаро ҳурмат ва бир-бирини тушуниш мезонлари асосида олиб борилаётган музокараларга дарз кетди. Аммо совиган муносабатларни илитиш, ўзаро алоқаларни яхши йўлга қўйиш аввало икки давлат расмий доираларининг эндиги саъй-ҳаракатларига ҳам боғлиқ. Бу борада икки давлат ҳукуматлари берган баёнотнинг мазмун-моҳияти бир неча маслаҳатлашувлардан сўнг музокараларни яна давом эттириш мумкинлигини тақозо этмоқда.

Эслатиб ўтамиз: 2001 йил декабрда Ҳиндистон парламентига бир неча қуролланган жангарилар томонидан уюштирилган қуролли ҳужумдан сўнг Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги дипломатик алоқалар ҳамда транспорт қатнови тўхтатиб қўйилган эди. Ўшанда Ҳиндистон маъмурияти Покистонни бу ишга алоқадорликда айблаганди. Фақат 2003 йилнинг бошларига келибгина бу икки қўшни давлат ўртасида транспорт қатнови бир оз жонлана бошлади.

ЧАҚИРИҚНИ РАД ЭТДИ

ХАМАС гуруҳи Фаластин миллий маъмурияти раҳбари Ёсир Арафотнинг Исроил билан тузилган тинчлик келишувига амал қилиш ҳақидаги навбатдаги чақириғини рад этди.

Тинчлик келишуви шартлари ўтган ҳафтада Исроил ва Фаластин томонидан ҳам бузилган эди. «Бизнинг етакчиларимизни йўқ қилгандан сўнг ўт очишни тўхтатиш ҳақида Исроил билан келишиб бўлмайди» деди ХАМАС гуруҳи етакчиси Абдулазиз Рантиси. Шунинг учун улар пайшанба куни Исроилнинг Ашкелон шаҳрига Qassam русумидаги ракетадан ўт очдилар. Исроилликлар бундан ҳеч қандай талафот кўришмади. Ракета Газо секторидан 9 километр наридаги саноат ҳудудига келиб тушган.

Фаластин ҳукумати эса ХАМАС гуруҳи билан боғлиқ 6 та хайрия жамғармасининг ҳисоб рақамларини «муз»латиб қўйди, дейилади AFP агентлиги ахборотида.

СУИҚАСДНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

Франция расмий доираларининг маълум қилишича, Кот-д'Ивуар Президенти Лорен Гбагбо ҳаётига уюштирилиши мумкин бўлган суиқасднинг олди олинишига эришилган.

The Guardian газетасида ёзишларича, Франция махсус хизмати 5 кунда 11 кишини қамоққа олган. Уларнинг 6 нафари француз, 4 нафари Кот-д'Ивуар, 1 нафари эса Ливан фуқароси. Улар Президентга суиқасд уюштиришга ҳаракат қилганликда айбланмоқдалар.

Терговчиларнинг гапларига қараганда, қўлга олинганларнинг кўпчилиги ўз айбига иқрор бўлган. Фақат асосий айбдор, дея гумон қилинаётган Кот-д'Ивуар армиясининг собиқ зобити Иброҳим Қулибалигина қўйилган айбни инкор этмоқда.

1999 йили Қулибали мамлакатда давлат тўнтаришини ташкиллаштирган, аммо давлат бошқарувини генерал Роберт Гуэйга топширган. 2000-йилдан бери Францияда яшайди.

КАЙФИЯТНИ ЯХШИЛАЙДИ

Маълумки, музқаймоқ таркибида ингредиентлар бор. Олимларнинг фикрича, айнан шу ингредиентлар киши организмидаги сиротинингга таъсир этаркан. Бу гармон эса кайфият ва хотира «бутун»лигини ушлаб туради ҳамда руҳий зарбалар таъсирини камайтиради. Балки шунинг учун ҳам музқаймоқни яхши кўрадиганлар кўпдир.

Дарвоқе, буни энг кўп истеъмол қилувчилар америкаликлар бўлиб, йилига киши бошига 15 килодан тўғри келаркан. Россияда эса бу кўрсаткич 2 килодан ошмайди.

РОЗИЛИК БИЛДИРДИ

Эрон ташқи ишлар вазири Камол Хорази берган баёнотда айтилишича, АҚШ ядро қуроли ишлаб чиқарилаётган бўлиши мумкин, дея шубҳа остида қараётган ядро объектларига БМТ инспекторларини текширув олиб боришлари учун киритиш борасида музокаралар бошлашга расмий Теҳрон тайёр.

Reuters агентлиги маълум қилишича, ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги шартномага қўшимча тарзда махсус протокол ҳам Эрон томонидан имзоланишини БМТ, Европа Иттифоқи, Россия ва АҚШ маъмурияти талаб этмоқда. Бундан ташқари МАГАТЭ (Атом энергияси бўйича халқаро агентлик) мутахассислари текширув олиб боришлари учун уларга етарли ваколатлар берилиши лозим.

Ўз навбатида расмий Теҳрон ҳам протокол имзолашдан олдин атом энергияси дастурини амалга ошириш учун зарур бўлган айрим технологиялардан фойдаланишга рухсат беришларини талаб этмоқда. Расмий вакилнинг айтишича, атом энергияси дастури тинч мақсадлар йўлида хизмат қилади.

Маълумки, АҚШ Эронда қурилган Атом электр станциялари атом қуроли ишлаб чиқарилиши учун бир ниқоб эканлигини алоҳида уқтириб, бу борада Эрон Ислом Республикасини айблаган эди. Бунга асос қилиб қуйидаги фактни келтиради: Эрон нефть қазиб олиш бўйича ОПЕКка кирувчи давлатлар орасида иккинчи ўринда туради. Шунингдек, газ заҳираси бўйича ҳам дунёда иккинчи ўринда. Демак, Вашингтон илгари сурган мантиқ бўйича, Эроннинг қўшимча энергия манбаига эга бўлиш йўлидаги ҳаракатларини қандай тушуниш мумкин?

Дарвоқе, текшириб кўрилган объектлардан бирида бойитилган уран қолдиқлари топилган. Бу фактни Хорази инкор этмади, балки тушунтириб берди: унинг айтишича, ҳаммани шубҳага қўяётган нарса, яъни уран қолдиқлари хориждан мамлакатга импорт қилинган.

«Бу техник муаммо, буни сиёсийлаштириш керак эмас. Бизда бойитилган уран йўқ, шунингдек, ядро қуроли ишлаб чиқариш дастури ҳам» деди Эрон ташқи ишлар вазири.



BURSEL GROUP
ЖАМОАСИ

Халқаро майдонда нуфузи тобора ортиб бораётган Ўзбекистон халқини истиқлол байрамининг

12 йиллиги

билан самимий муборакбод этади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан буён ўтган 12 йил мобайнида улкан иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ислоҳотлар амалга оширилди. Республика эндиликда нафақат МДҲ мамлакатларини, балки ривожланган хорижий давлатларни ҳам ўз иқтисодий салоҳияти билан ҳайратга солаётгани сир эмас.

Компаниямиз жамоаси Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни ҳамиша қўллаб-қувватлаб келади. Япониянинг дунёга машҳур «Мицубиси Корпорейшн» компанияси билан ҳамкорликда Чиноз ва Шаҳрисабздаги «Чиноз тўқимачи ЛТД» , «Оқсарой Тўқимачи ЛТД» Ўзбек — Турк — Япон инвестициялари ҳисобига бунёд қилинган, унумли технологиялар билан жиҳозланган қўшма корхоналар фаолияти ҳамда Чирчиқ шаҳрида барпо этилаётган «Бурсел Тошкент Текстиль МЧЖ» бўяш, пардозлаш ва тикув фабрикаси кенг кўламли иш жараёнимизнинг асосий мезонидир.

Биз бугун бутун Ўзбекистон халқини қутлуғ байрам билан қизғин табриклар эканмиз, мамлакатдаги ҳар бир оилага тинчлик, фаровонлик тилаймиз, дастурхони ҳамиша тўкин бўлишини хоҳлаймиз.

BURSEL GROUP
ЖАМОАСИ

ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Ўзбекистон халқини МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 12 ЙИЛЛИГИ билан самимий муборакбод этамиз!

Аллоҳ назари тушган диёрда яшаётган барча инсонларни қутлар эканмиз, ниятимиз — Мустақилликнинг шукуҳи абадий бўлсин! Бунёдкорлик ва тараққиёт йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган Ўзбекистон аҳлига куч-қувват, ғайрат-шижоат тилаймиз. Барчамизнинг эзгу ишларимизга ривож ва баракот ато этишини Яратгандан сўраймиз.

Hotel «DEDEMAN Silk Road Tashkent»
JV «Silk Road Tourism Investments» Co. Inc.
APEAS Construction Co. Ltd



BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot
133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat
133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot
133-20-36
Parlament va huquq
136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik
133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar
133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat
133-72-83
Reklama va e`lonlar
133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 26-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Ilhom KAROMOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo`mitasida 00004-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 762

7731 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.45
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA